

ТАРБИЯДА ШАРҚОНА ПЕДАГОГИК МОХИЯТИ

Ниязов Камоладдин Седаматович

УрДУ, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси катта ўқитувчиси

Каримов Хамидбек Отаханович

УрДУ, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбия қилиш борасида ўқувчи ёшларга маънавий-маърифий билимлар бериш, уларда халқ оғзаки ижодиёти орқали фаолиятни фаоллаштириш ҳамда кўникма ҳосил қилиш каби муаммо мазкур йўналиш доирасида ўз ечимини кутаётган муаммолар баён қилинган.

Калит сўзлар: Ватан равнақи, миллий истиқлол ғояси, касб-ҳунар, хулқ-одоб, “халқ педагогикаси”, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тарбия, ўйин, саноқлар, топшимоқлар, мақоллар, қўшиқлар, эртак ва афсоналар, ривоятлар, анъаналар, маросимлар.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси эканлигини ҳар бир ўқувчи-ёшлар чуқур ҳис этиши ва уни мустаҳкамлашда фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам ўқувчи ёшларга маънавий-маърифий билимлар бериш, уларда халқ оғзаки ижодиёти орқали фаолиятни фаоллаштириш борасидаги кўникма ҳосил қилиш каби муаммо мазкур йўналиш доирасида ўз ечимини кутаётган муаммолардандир.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилларида ҳам маънавият соҳасида амалга ошириладиган вазифаларнинг йўналишлари илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали баркамол авлодни вояга етказиш муаммосига

алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки миллий минталитетимизда ва умуминсоний қадриятлар асосида укувчи - ёшларда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларини шакллантириш - мактаб маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Демак мактаб амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларнинг асосий вазифаси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш – Ўзбек халқ педагогикасида асрлар мобайнида асосий тушунчалар шаклланган: парвариш, тарбия, мукаммаллаштириш, ўз - ўзини тарбиялаш, қайта тарбиялаш, насихат, ўқитиш, таълим бериш, ўргатиш.

Форобийнинг таъкидлашича, инсонда гўзал фазилатлар икки йўл - таълим ва тарбия усули билан ҳосил қилинади: "Таълим назарий фазилатларни бирлаштирса, тарбия эса туғма фазилат - назарий билимлар ва амалий касб-хунар, хулқ-одоб фазилатларини бирлаштиради, таълим сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса амалий иш, тажриба билан амалга оширилади, ҳар иккаласи бирлашса, етуклик намоён бўлади...".

Демак, Форобий таълим-тарбияни узвий бирликда олиб бориш ҳақида таълим берган бўлса ҳам, аммо ҳар бирининг инсонни камолга етказишида ўз ўрни ва хусусияти бор эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Халқ педагогикаси тарбиянинг кўп омилларидан фойдаланиши билан (табиат, меҳнат, турмуш, одат, санъат, дин, она тили), услублар катта бойлиги билан (ишонтириш, мисол, талаб, буйруқ, тушунтириш, ривоят, ўрганиш ва машқ, истак ва фаровонлик, афсун, қасамёд, илтимос, маслаҳат, ишора, маъқуллаш, гина, кўндириш, тақиклаш, дўқ ва ҳоказо) ва тарбия воситалари (ўйин, саноклар, топишмоқлар, мақоллар, кўшиқлар, эртак ва афсоналар, ривоятлар) билан кучли. Халқ педагогика хазинаси тарбияни халқ турмуши билан ғоявий боғланишини мустаҳкамлашда муҳим ўринни эгаллайди. Бу хазиналар ижодий ёндашганда ёш авлодни тарбиялашда катта самара берди. Халқ педагогикасининг турли воситалари катта ўзгаришларга учради. Бу

Ўзгаришлар тарбияга ҳам салбий таъсир этди. Бугун мусатақиллик даврида истиқлол ғоялари руҳида қадимги халқ анъанасини тиклаш, таъминлаш тарбияда бой ранг-баранг халқ педагогикасидан фойдаланиш даври келди.

Замонавий тарбия ишида ўзининг моҳиятини йўқотмаган халқ педагогикасининг ғоявий хазинаси ва буюк ютуқлари сифатида эпос, эртак, лапар, мақол, тез айтиш, топишмоқ каби жанрлар мустақиллик даври халқ педагогикаси камолотида асосий ўринда туради.

Уларнинг педагогик қиммати шундаки, улар узвий равишда таъсир қилади ва ўзи учун мувофиқ майдонларни топиб олишади. Масалан, халқ педагогикасининг ёндашиши меҳнат мавзусига ғоят турли-тумандир. Болаларга сўз орқали таъсир қилиш учун мақтов, меҳнатни, меҳнатсеварликни, меҳнат натижаларини улуғлаш, меҳнатга завқли тавсиф бериш, виждонга мурожаат қилиш (меҳнатнинг маънавий мазмунини очиб беришгача), меҳнат тайёрловига, ўз ўзини тарбиялаш соҳасига оид маслаҳатлар, масхара қилиш, танқид қилиш (дангасаликни, иш ёқмасликни) ва бошқа усуллар қўлланади. Педагогик муаммоларга ижодий ҳар томонлама (глобал) ёндашиш яхши натижа олиш гаровидир.

Халқ турмушининг мукаммаллашуви, янги одат, анъаналар, маросимлар йиғилиши халқимиз бутун ҳаётини педагогик тарбиявий жараёнга айлантиради.

Она тилини оилада фикр алмашувда ўрганган болага сўзларни тўғри талаффуз қилишни ўқитиш керак бўлмаганидек, ҳаётининг биринчи куниданоқ ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар сўзсиз бажариладиган одат ва анъаналарга айланган муҳитда ўсган инсонда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш учун тарбиячилар вақти ва кучини сарфлаш керак эмас.

Тарбиячи ўз қобилиятини солиштириб бўлмайдиган мураккаб тарбия муаммосини ечишга - шогирдларининг индивидуал қобилият ва истеъдодларини ривожлантиришга йўналтиради. Аввалига педагогика жуфт инсон-тарбиячи ва тарбияланувчи педагогикаси ва асосий таянчи шахсий

таъсирга қарар эди.

Ҳозирги замонда эса бутун ижтимоий ва шахсий ҳаётни ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбия қиладиган жараёнга айлантириш мумкин.

Бу масалани ечишда халқ одати ва анъаналарининг ўрни катта. Анъананинг турли шакллари мавжуд - инсонпарварлик, биродарлик, меҳнат, ахлоқий ва бу шаклларнинг ҳар бири тарбия жараёнига катта таъсир кўрсатади, “халқ педагогикасининг” асосини ташкил қилади. Халқ педагогикаси асосий тамойиллари шакллантирилади ва оммавийлаштирилади.

- педагогик таълимнинг методологик асослари ҳақидаги замонавий тасаввурлар асосида янги педагогик фикрлашни шакллантириш;

- ўзида инсон, унинг касбий хусусиятларини акс эттирадиган предметли билимлар тизимини шакллантириш;

- бой педагогик меросдан педагогик тажрибаларда, ўз педагогик имкониятларини жорий этишда ижодий фойдаланиш;

Ўзбек халқининг оғзаки ижоди маънавий маданият тикланиши ва ривожланиши қонунлари асосида шаклланиб ва ривожланиб, халқнинг тарихий ривожланиши, ижтимоий ва синфий муносабатлари, миллий психология ва характери ўзига хослиги билан, бошқа мамлакатлар билан маданий алоқалари шакллари ва имкониятлари билан белгиланган ўзининг хусусиятларига эга. Шунинг учун ўзбек халқ оғзаки ижодида жамиятнинг тарихий ривожланишини, ундаги синфий ва ижтимоий муносабатларни тўғри очиб беришга, дунёқарашнинг ривожланиш даражасини билишга кўмаклашадиган ҳолатлар билан бир қаторда ёш авлодни илғор ғоялар анъаналарида тарбиялашда фойдаланиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Марказий Осиё ҳудудида кичик шаҳарчалар пайдо бўлиши билан ҳунармандчилик касблари шакллана бошлади. Ўунарни ўзлаштирган ҳунармандлар ўз тажрибаси ва билимини ёш авлодга бериб бордилар. У вақтда ҳунар ўрганиш муҳим эҳтиёж эди. Инсон шаклланиш жараёнида, уни тарбиялашда ҳунар ҳақида кўп эпик асарлар яратилган. Уларда амалий

педагогик фаолият ифодаланган.

Хунармандлар турмуш даражаси яхши бўлган, улар ишлаб чиқарган маҳсулот бозори чакқон бўлган. Шунинг учун, хунармандлар ҳаётини ифодалаш халқ оғзаки ижодининг барча жанрларида марказий ўринни эгаллаган. Мамлакат фаровонлиги сезиларли даражада хунармандчилик ишлаб чиқариш ривожини билан белгиланган.

Ота боболаримиз анъаналари заминиди шу нарса аёнки, меҳнаткаш халқ вақтни бекор ўтказишни хуш кўрмайди. Бекорчи, иш ёқмас, дангасалар эртак, достонларда аёвсиз танқид қилинади. Халқ ишчанлик, меҳнатсеварлик, уюшқоқликни яхши кўради. Ишчанлик, меҳнатсеварлик, покизалик, ҳалоллик ҳамиша улугланади.

Бундан ташқари, эҳтиёткорона, муҳаббат қўйиб бажарилган ҳар бир иш инсонга қувонч, мамнунлик келтиришини юксакликка кўтаради. Фольклорнинг муҳим хусусиятларидан бири халқ педагогикасида қўлланиладиган услуб ва воситаларни ёритишдир.

Чунки халқ педагогикаси узоқ тарихий давр мобайнида йигилган, авлоддан авлодга етказилган, қайта кўриб чиқилган ва маълум давр таъсирида янги деталлар билан бойиган халқ ақли – заковати маҳсули.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Д. Абдурахимова. “Педагогик маҳорат”. Ўқув қўлланма. Тошкент 2008 й.
2. М. Очилов. Муаллим қалб меъмори. Ўқитувчи», Тошкент 2003 й
3. N. E. Ibadullayeva. Talabalarning badiiy va ijodiy kompetensiyalarini rivojlantirishda rangtasvirdan mustaqil badiiy va ijodiy faoliyatni tashkil etishning ahamiyati. THE JOURNAL OF INTEGRATED EDUCATION AND RESEARCH ISSN 2181-3558 VOLUME 2, ISSUE 6 COLLECTION B JUNE 2023. 4247 bet.
4. K.Niyazov. O`quvchilarni Navoiy dostonlari asosida kompozitsiya ishlashga o`rgatish. European Journal of Interdisciplinary Research and Development Volume-22. December 2023. Website: www.ejird.journalspark.org.385.-387 page.